



Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>t.me/farhaqiqatiСўнгги
хафтада

КУВАЙТЛИК ТАДБИРКОРЛАР ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛДИ



Кувейтнинг "Gulf care general trade" ҳамда "Energy solutions" компаниялари бошқаруви кенгаши раиси Эйад ал-Салеҳ раҳбарлигидаги делегация вилоятимизга ташриф буюрди.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қабулида тиббиёт, фармацевтика, энергетика ҳамда тоғ-кон саноати соҳаларида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди, инвестицион ва савдо-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фикрлар алмашилди.

Ўзаро ҳамкорликка кўра, кувейтлик тадбиркор Фарғона вилоятида давлат тиббиёт муассасаси учун диагностика-лабораториясини ташкил этиш ва жиҳозлаш лойиҳасини беғараз амалга оширади. Шунингдек, ипакни қайта ишлаш, заргарлик, тоғ-кон саноати каби йўналишлардаги лойиҳалар бўйича келишиб олинди.

ХИТОЙДАН ФАРҒОНАГА УНУМДОР ТЕХНИКАЛАР КЕЛАДИ

Хитойнинг қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарадиган "Shandong Swan cotton industrial machinery Stock Co." LTD компанияси юқори технологияли қишлоқ хўжалиги машиналарини Фарғонага олиб кириш, кейинчалик эса вилоятнинг ўзида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ниятида.

Ҳамкор давлат инвесторларини қабул қилган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона ва манфаатли ҳамкорлик алоқалар йил сайин мустақамланиб бораётганини таъкидлади. Ўз навбатида, компания бош директори Ванг Хин Тинг Фарғона вилояти билан ҳамкорлик қилишдан мамнунлигини айтиб ўтди.

Хитой компанияси раҳбари замонавий пахта териш машиналарини вилоятга олиб келиш билан бирга, ушбу техникаларга шу ернинг ўзида сервис хизматларини ташкил этиш, маҳаллий механизаторларни Хитойда ўқитиш, малакаларини ошириш бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Самийи учрашув сўнггида муҳокама қилинган масалалар бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш ва ўзаро ҳамкорликда иш ташкил этишга келишиб олинди.

(Фарғона вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати хабарлари асосида тайёрланди).

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН АҲОЛИ ВАКИЛЛАРИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Фарғона шаҳар бўлими ижро ҳужжатлари асосида давлат божи, жиноий ҳамда маъмурий жарималарни мунтазам ундириб келмоқда.

2023 йил давомида ундирувчи давлат фойдасига ўтган товарлар сотилишидан тушган 12 миллиард сўмдан ортиқ маблағ маҳаллий

бюджетга ўтказилиши таъминланди.

Бўлим томонидан ундирилган маблағлар ҳисобидан ўтган йилда

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳолининг кам таъминланган ва эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш учун очилган махсус ҳисоб-рақамга 6 миллиард 772 миллион сўм ўтказиб берилди.

ДИСМОЙЛОВ,
МИБ Фарғона шаҳар бўлими бошлиғи.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУХБАТ

СУВ ТЕКИН ЭМАС



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январда "Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, суғориш маданиятини юксалтириш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Мухбиримиз Сирдарё – Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Фахриддин ТУРСУНОВ билан шу ҳақда суҳбатлашди.

– Қарорда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш туфайли сув хўжалиги соҳасида ривожланиш даври бошланади. Фермер хўжаликчиси ва бошқа истеъмолчиларга кафолатланган сув етказиб бера оладиган тизим йўлга қўйилади. Туман ирригация бўлимида ҳамда махсус хизматлари негизда "Сув етказиб бериш хизмати" давлат муассасалари ташкил этилиб, улар ўзига бириктирилган ҳудудда сувнинг ҳисоби ва ҳисоботини юритади. Суғориш тармоқлари ва улардаги гидротехник иншоотларни соҳада сақлаш, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширади. Сув истеъмолчиларининг буюртмаомаси асосида бошқа сув хўжалиги хизматларини кўрсатади.

Сув хўжалиги ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув етказиб бериш хизматлари учун



тўловлар бекор қилинади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан (2024 йилдан 1 м3 сув солиғи 100 сўм) давлат бюджетига тушган тушумнинг 40 фоизи "Сув етказиб бериш хизмати" фаолиятини молиялаштириш, улар балансидаги объектларни сақлаш ва техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилади. Туман (Кувасой шаҳар) ирригация бўлими ҳисобидаги

мавжуд бино ва асосий воситалар "Сув етказиб бериш хизмати" давлат корхонаси ҳисобига ўтказилади.

Истеъмол қилинган сув миқдори ҳисобини юритмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ базасида халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланган лимитларга нисбатан икки баробар оширилган ҳолда ҳисобланади.

2025 йилдан бошлаб сув тежовчи технологиялар жорий қилинган ҳолда, олинган сув ҳажми ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда солиқ ставкаси 0,5, балиқчилик учун олинган сув ҳажми ўлчаш ускуналари асосида аниқланганда 0,7 камайтирилади, сув тежаш технологиялари жорий қилинмаган ҳолда, сув ҳажми ўлчаш ускуналари асосида аниқланмаганда солиқ ставкасига 1,5 оширувчи коэффицент қўлланилади.

Бу йилдан бошлаб, суғориладиган ерларда янги боғдорчилик, узумчилик ва бошқа кўп йиллик дарахтзорлар ҳамда энгил типдаги иссиқхоналар ташкил этишда ваколатли органлар томонидан хулосалар фақат сув тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш шарти билан берилди.

(Давоми 2-бетда).

ЖАМИЯТ ОҒРИҒИ

ТЕАТР ТОМОШАБИДАН НЕГА УЗИЛИБ ҚОЛДИ?

Бугун театр томоша залларини ҳақиқий шинавандалар эмас, мажбуран, иложсизликдан ўриндиққа "михланган" "ихлосмандлар" тўлдирмоқда. Назаримда ҳаётимизга шиддат билан кириб келаётган ахборот технологиялари ушбу санъатни жамиятдан биров чекинишга, томошабинни театрдан узоқлаштиришга мажбур қилгандек.

Ҳа, ҳозирги даврда театр санъати оқсаб қолди. Енгил-елпи ҳазил-мутойибага йўғрилган, маънавий тарбиядан йироқ томошалар, номи ва қўшиқларида ҳеч қандай маъно йўқ ҳавойи гуруҳларнинг концертга тумонат одам йиғилмоқда-ю, ҳақиқий санъат асарини намоёнига келганда кимдир иши кўп, вақти йўқ, бошқаси эса спектаклда жонли ҳаёт тасвирланган воқелиқдан маънавий хордиқ қиларишдан роҳатланмайди.

Театр шунчаки оддий томошахона

эмас, балки тарбия, маданият, маънавият ва маърифат маскани эканлигини, афсуски, кўпчилик яхши англаб етмайди. Аслини олиб қараганда, театр ҳар қандай даврда ҳам ҳаётнинг сабоқ берувчи жонли восита ҳисобланган. Бу кўҳна оламнинг санъат-севар одамлари ушбу тарбия масканини жуда қадимдан қашф қилган. Маърифат-парвар адиб Маҳмудхўжа Бехбудий ўлкани саводли қилишга, маънавият сарчашмаларидан чанқоқ босишга ундар экан, "Театр ибратхонадир" дейди. Унинг тарбияга йўғрилган драмалари саҳналаштирилиб, ўз даврида кишиларни одамийликка чорлаганди.

(Давоми 2-бетда).

Ибрат

Қўқонда ўқувчилар учун БЕПУЛ АВТОБУС ХИЗМАТИ Йўлга қўйилди

Эрта тонгда йўл бўйларида қўлига пул ушлаганча, жамонат транспортга ёки йўловчи ташиш билан шуғулланаётган автомашиналар ҳайдовчиларига қўл силтаётган ўқувчиларга кўзингиз тушадди. Елкасига сумка илган болаларга ҳамма автобуслар ёки кирақашлар ҳам тўхтавермайди.

Қўқонлик Раҳматилло Қодировнинг ўқувчиларга бўлган шу каби муносабатлардан, эътиборсизликлардан дили ранжийди. У Қўқон шаҳридаги автомобиль йўллари коллежини тамомлаб, ҳайдовчи бўлиб ишлаб юрган кезлардан мактабга шошаётган ўқувчиларни манзилига беминнат элтиб қўйишни қанда қилмасди. "Раҳмат, тоға" деган ширин каломни эшитганда, кўнгли кўтариларди.

Йиллар ўтди. Раҳматилло Қодиров яқка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият кўрсата бошлади. У шу йилнинг бошидан хайрли ишга қўл урди. Мутасадди ташкилотлар билан келишган ҳолда, шаҳардаги 9, 13, 16, 17, 21, 40, 41-умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун бепул автобус хизмати йўлга қўйди.

– Энди ўқувчилар эрта тонгда йўл бўйида туриб қолмайди. Улар белгиланган вақтларда



бекатларга келиб туришса бўлгани. Болаларни ўз фарзанди, набирасидай суюлган ҳайдовчилар техник соз, тоза автобусларга қадар етказиб қўяди. Ҳозирда ҳар куни 100-120 нафар ўқувчига хизмат кўрсатиляпти. Эндиликда йўналишни узайтириш ҳаракатидамыз, яқин орада ҳалқа йўли бўйлаб автобус қатнови йўлга қўйилади. 1, 10, 14, 20, 25, 26, 28-умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам беминнат хизматимиздан

фойдаланишади. Бундай хайрли ишни қўшни туманларда, Фарғона шаҳрида ҳам давом эттирамиз, – дейди тадбиркор Раҳматилло Қодиров.

– Автобусда мактабга бораётган ўқувчилар жуда мамун, албатта. Ота-оналарни айтмайсизми, фарзандларининг билим масканига хавфсиз етиб боришга мактабдан хурсанд, бунинг устига йўл кира учун сарфланган маблағлари тежалаяпти. Тадбиркорга биз педагогларнинг миннатдорчилиги чекисиз, – дейди Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими ахборот хизмати раҳбари Шоирахон Комилжонова.

Раҳматиллонинг яна бир саховатли иши эшитгани беҳад қувонтиради. У "Yo'lma-yo'l Qo'qon" телеграм гуруҳи асосчиларидан бири сифатида қўнғили ҳайдовчиларни хайрли ишларга чорлай олди. Бугун қўқонлик қўли очик, саховатпеша йигитлар эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, бемор, кўйинги, меҳрга муҳтож инсонларга бепул автомобиль хизмати кўрсатишмоқда. Қишқи таътил чоғи пойтахтда ўқийётган қўлаб талабалар ҳам бу инсонлар кўмағида оилалари бағрига қайтишди.

Раҳматилло Қодиров топган даромадининг бир қисmini яхши ишларга сарфлаш йўлини танлабди. Саховатпеша тадбиркорга ҳар қанча ташаккур айтсанг арзийди, албатта. Яхшиликлар сари интилган, эзгу ишларни дастуриламал қилган ишбилармонлар сафи кенгайверсин.

Маҳиёра БОЙБОБОВА.

“Бир белбоғ – бир йўлни қуриш, инсониятнинг ягона тақдири ҳамжамиятини барпо этиш: Ўзбекистондан назар” танловига

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ” – ИНКЛЮЗИВ ВА ОЧИҚ ПЛАТФОРМА БИЛАН ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
педагогика фанлари доктори, профессор

Сўнгги йилларда дунёда “жаҳон фабрикаси” деган рамзий эътирофга сазовор бўлган Хитой Халқ Республикаси – саноат, қишлоқ ҳўжалиги, илм, маданият соҳаларида юқори жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Барчамизга аёнки, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини Хитой Халқ Республикаси биринчилардан бўлиб эътироф этиб, дипломатик муносабатлар ўрнатган мамлакатдир. Икки халқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи эса минг йилликларга бориб тақалади. Жумладан, қадимги “Буюк ипак йўли” асрлар давомида минтақа халқларининг ўзаро савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларида муҳим роль ўйнаган.



Дастлаб Хитойни Ўрта ва Ғарбий Осиё билан боғловчи, кейинчалик эса Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер денгизига чўзилган ва умумий узунлиги 12 000 километрдан иборат транзит-савдо платформасига айланган ушбу “Буюк ипак йўли” тушунчаси ҳозирги кунда ҳам Ўзининг муҳим аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Халқаро доирада “Буюк ипак йўли”нинг замонавий қўриниши сифатида баҳоланаётган ва давлатимиз раҳбарлиги томонидан “халқаро ҳамкорликнинг янги модели” сифатида эътироф этилган “Бир макон, бир йўл” дастури минтақалар ўртасидаги умумий тараққиёт ва фаровонликка эришни йўлидаги зарурий, инклюзив ҳамда очик платформага айланиб бормоқда.

2013 йилда Хитой ҳукумати томонидан 150 га яқин давлат ва халқаро ташкилотларга сармоа киритиш учун қабул қилинган глобал инфратузилмани ривожлантириш стратегияси ҳисобланувчи мазкур дастур Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин ташаббуси билан йўлга қўйилган. Дастур стратегиясида “бир макон” сифатида – Ғарби машҳур тарихий савдо йўллари бўйлаб денгизга чиқмайдиган Марказий Осиё орқали автомобиль ва темир йўл ташуш учун тавсия этилган қурулғик йўналишлари назарда тутилган бўлса, “бир йўл” сифатида – Жануби-Шарқий Осиё орқали Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африкага олиб борадиган Ҳинд-Тинч океани денгиз йўллари кўзда тутилади.

“Бир макон, бир йўл” дастури ҳозирги кунда 149 та давлат ва 30 та халқаро ташкилот томонидан қўллаб-қувватланган бўлиб, дастурнинг инфратузилма лойиҳаларига портлар, темир йўллар, автомобиль йўллари, электр станциялари, авиация ва телекоммуникациялар киритилган.

Демакки, ўтмишда ажодларимиз босиб ўтган буюк савдо йўллари бугун учун, янги келажак учун рақамли форматда қайта вужудга келмоқда. Жозибдор жиҳати шундаки, жануби-шарқда асосий тармоғи Ўзбекистондан ўтадиган, алоқадор давлатлар иқтисодиётига илдам суръатда ривожлантириладиган қудратли транспорт ва инфратизим шаклланимоқда.

Жаҳон банки тадқиқот хулосаларида “Бир макон, бир йўл” ташаббуси 149 иштирокчи давлатдаги савдо оқимларини 4,1 фоизга ошириши, глобал савдо ҳаражатларини 1,1 фоиздан 2,2 фоизга қисқартириши ҳамда Шарқий Осиё ва Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатларнинг янги ички маҳсулотини ошириши мумкинлиги ва айти қўрсаткич ўртача 2,6 дан 3,9 фоизгача ташкил қилиши прогнози қилинмоқда. Бундан ташқари, молиявий экспертлар томонидан “Бир макон, бир йўл” ташаббуси 2040 йилга келиб жаҳон ялпи ички маҳсулотини йилга 7,1 триллион АҚШ доллариغا ошириши мумкинлиги қайд этилади.

Аслида, Ўзбекистон – Хитой муносабатлари бугунги кунда ҳамкорликнинг барча жаҳаларини қамраб олган бўлиб, ҳар томонлама стратегик характерга эга. Бунда, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ўзаро ишончли алоқалар ҳамкорликнинг асосини ташкил этмоқда.

питали иштирокидаги 1702 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 116 таси 100 фоиз Хитой сармоаси асосида ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизда Хитойнинг 73 компанияси ваколатхоналари ишлаб турибди. Товар айирбошлаш яқин беш йилда 20 миллиард АҚШ доллариға етиши кутилмоқда. Хитой компаниялари ва молиявий институтлари иштирокида юксак технологиялар, муқобил энергетика, кимё, машина-созлик, металлургия, электротехника тармоқларида инфратузилмани модернизация қилиш ва бошқа йўналишларда бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Жумладан, биргина 2023 йил 18 май кунини Сиань шаҳрида ташкил этилган “Марказий Осиё – Хитой” биринчи саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнотни имзоладилар ва 2023-2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилдилар. Мазкур учрашув асосида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланганлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон “Бир макон, бир йўл” ташаббусининг муҳим иштирокчисидир. Ушбу йирик ташаббус доирасида мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорлик бугун ўз мевасини бермоқда. Бу борада, “Хитой – Марказий Осиё” газ қувурининг барча 4 йўлаги Ўзбекистон ҳудудидан ўтганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Қамчиқ довоини орқали юртимиздаги энг узун темир йўл туннели фойдаланишга топширилгани барчамиз учун қувончли, албатта. Айти йўналишда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли қурилиши бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги уч томонлама шартнома имзолангани тарихий воқеалик бўлди. Эндиликда мазкур лойиҳа Хитойдан Ўзбекистон орқали Европага ва Жанубий йўлак орқали Форс кўрфазини давлатларга юк ташуш ва ушбу йўналишларда савдо географиясини кенгайтириш, Ўзбекистонни ички давлатдан минтақадаги муҳим коммуникация марказига айлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, “Бир макон, бир йўл” дастурининг ўн йиллигига бағишланган 2023 йил 18 октябрда Пекин шаҳрида ўтказилган учинчи форумда давлатимиз раҳбари томонидан янги ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, жаҳондаги етакчи давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч инқирози туфайли вужудга келган ҳозирги геосиёсий бекарорлик шароитида ушбу дастурнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётганлигига алоҳида урғу берилиб, айти дастурнинг таркибий қисми ҳисобланган “Яшил ипак йўли” ташаббуси моҳият эътибори билан умумий “яшил” келажак кун тартибинини шакллантириши қайд этилди. Бу борада, “Марказий Осиёнинг “яшил” кун тартиби” ва “Яшил ипак йўли” концептуал ташаббусларининг ўзаро боғлиқ ҳолда амалга ошириши лозимлиги айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан “Яшил” тараққиёт дастури”ни ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқларини “яшил” тараққиёт талаблари асосида трансформация қилиш ва рақамлаштириш, транспорт ва энергетика тармоқларида барқарор инфратузилмани яратиш, “яшил” саноат қувватларини ишга тушириш, камбағалликни қисқартириш, “ақли” кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, “яшил технологиялар”ни кенг жорий

қилиш асосида саноат соҳасида муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни амалга ошириш каби бир қатор минтақавий ва глобал ривожланиш келажакни белгилаб берувчи муҳим ташаббуслар илгари сурилганлиги – жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилди.

Хусусан, “Оролбўйи халқаро инновациялар маркази” негизида “яшил” билим ва ечимларни трансфер қилувчи илмий-ахборот платформасини ишга тушириш, Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университети негизида “яшил” тараққиёт ва экология соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва академик алмушувни ривожлантириш бўйича қўшма дастур ишлаб чиқиш борасида билдирилган ташаббуслар илм аҳли учун фоят манфаатли бўлди.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда Фарғона давлат университети Хитой Халқ Республикасининг халқаро ТОП 1000 лика қирувчи Шимоли-ғарбий университети, шунингдек, Фанлар академияси Палеонтология ва палеантропология институти ҳамда Лоян археология тадқиқотлар институти билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини олиб бормоқда.

Мазкур ҳамкорлик алоқалари доирасида сўнгги уч йил ичида 15 нафар хитойлик етакчи профессор-ўқитувчилар томонидан 70220401 – Археология мутахассислиги магистрантлари, 60220300 – Тарих (мамлакатлар ва йўналишлар бўйича), 60220400 – Археология таълим йўналиши талабаларига жами 500 соатдан ортиқ дарс машғулотлари олиб борилди. ФарДУ профессор-ўқитувчилари ва докторантлари эса Пекин, Сиан, Чундин ҳамда Лоян шаҳарларида ташкил этилган халқаро форумларда иштирок этиб, амалга ошираётган тадқиқот натижаларини халқаро доирада апробациядан ўтказишга эришдилар. Шунингдек, ҳар йили университет кафедралари томонидан ташкил қилинаётган халқаро конференцияларда хитойлик олимлар фаол иштирок этиб келмоқдалар. Ўтган давр мобайнида улар билан ҳаммуаулифликда 50 дан ортиқ илмий ишлар эълон қилинди.

2023 йилдан бошлаб Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида амалга оширилувчи археологик илмий тадқиқотларни Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети, Палеонтология ва палеантропология институти ҳамда Лоян археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда халқаро грант қўринишида амалга ошириш бўйича келишувга эришилди. Бу борада 2023 йилнинг 22 апрелидан – 30 майга қадар Сурхондарё вилоятининг Бойсун шаҳарчасидаги Работ ёдгорлигида ўтказилган археологик қазув-тадқиқот ишларида ФарДУ таянч докторант, магистр ва талабалари фаол иштирок этидилар.

Лоян ва палеантропология институти томонидан ФарДУ қошидаги илмий тадқиқот марказига замонавий техника воситалари тақдим этилди.

Мазлумки, Лоян археологик тадқиқотлар институти – археологик ёдгорликлар тадқиқ этиш ва музейлаштириш бўйича Хитойнинг бош илмий маркази ҳисобланади. Жорий йилнинг октябр ойида мазкур институт раҳбарияти университетга таширф буюрди. Делегация аъзолари иштирокида университетда “Фарғона – Лоян археологик тадқиқот маркази” очилди.

Эндиликда ушбу марказ Археология таълим йўналиши ва мутахассислиги, музейшунослик таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашга қўмақлашмоқда. Шу билан бирга, ФарДУ ёшлари археологик амалиётлар ва малака ошириш курсларини Лоян институти ва унинг объектларида ўташ имкониятига эга бўлдилар. Бу бўйича Фарғона водийсидаги археологик ёдгорликларни қазуш ва музейлаштириш ишлари юзасида халқаро грант лойиҳа қўринишидаги илмий экспедициялар ташкил этилмоқда.

Ҳозирги кунда ҳамкорликдаги илмий марказнинг бош тадқиқот объект ҳисобланган “Кува шахристон” ёдгорлигини ўрганиш ишлари бошланган. Буборада, Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети, Палеонтология ва палеантропология институти, Лоян археологик тадқиқотлар институти, Буюк ипак йўли илмий тадқиқотлар маркази ва Фарғона давлат университети ўртасидаги беш томонлама келишув асосида 2024 – 2025 йилларга мўлжалланган “Кува шахристон” археологик ёдгорлигида қазув илмий-тадқиқотларини олиб бориш ва музейлаштириш илмий лойиҳаси доирасида қиймати 2 млрд. сўмлик ишларни амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда Хитойнинг етакчи университети магистратура ва докторантура босқичларини тамомлаб қайтган, малака оширган ўнга яқин иқтидорли ёш кадрлар Фарғона давлат университетининг энг муҳим тузилмаларида фаолият олиб бормоқдалар.

Айти йўналишда Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2023 йил 22 декабрдаги 809-Ф/23-сон Фармойишига мувофиқ, 2024 йилнинг 22 – 23 январь кунлари Пекин шаҳрида Ўзбекистон – Хитой таълим форуми ўтказилиши белгиланганлиги муҳим воқеалик бўлди. Фарғона давлат университети айти форум доирасида Хитойнинг энг йирик ва етакчи университети билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш борасида шартномаларни имзолаши белгиланган. Ушбу университетлар қаторига Хитой халқ университети, Хэйлуңган университети, Сун Ятсен университети, Шимоли-ғарбий университети, Жануби-ғарбий университети, Сиан халқаро тадқиқотлар университети қиради. Мазкур форум доирасидаги учрашувлар доирасида талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмушувини, уларнинг малакасини ошириш ҳамда қисқа ва узоқ муддатли стажировкалар, қўшма илмий лойиҳаларни йўлга қўйиш, маъруза ўқиш, семинар, маҳорат дарсларини ташкил этиш, қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш бўйича келишувларга эришиш назарда тутилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириши, савдо ва инвестициявий соҳаларда кулай шароитлар яратиш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги, туризм, таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини юксалтиришида муҳим ўрин тутаяди.

Мухтарам Президентимиз ташаббускорлигида икки мамлакат ўртасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган янги форматдаги ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқалари – келгусида минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Зеро, доно хитой халқи таъбири билан айтганда, “келгуси асрнинг бахти ушбу асра қурилади”.**

ЎЗГАНИНГ МУЛКИ ЮҚ БЎЛМАЙДИ

Килмиш — қидирмиш

Бировнинг молига кўз тикмаслик, меҳнат эвазига ҳалол луқма ейиш одоби бизга болалгимиздан ўргатиб келинади. Бироқ фуқаро Т. ва Ш. буни унутган қўринади. Улар пул топишининг осон йўлини танлашди ва... “ўғри” деган тамгага эга бўлишди.

Икки ошна Данғара туманининг “Капасарой” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермер ҳўжалиги дала майдони четига боғлаб қўйилган қорамолларни ўғирлаб, уларни сотиб, мўмай даромад топишни режалаштиришганди. Орзулари сароб эканлигини, афсуски, кеч англашди. Бели оғриманган хотамтойларни қарангки, ўғирланган



8 000 000 сўмлик ҳайвонларни фуқаро Б.га 3 200 000 сўмга пуллаб юборишди. Аммо...

Ўзғорининг баракаси бўлган қорамолларини боғлаб кетган жойидан тополмаган Ш. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилди. Олиб борилган суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида ҳамтовоқлар қўлга олинди. Уларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддаларига асосан жазо тайинланди.

Ҳаёт синаовларга тўла. Пешона тери эвазига топилган маблағнинг оши ҳам, нони ҳам тотли. Ўзганинг мулкни ўмарши эвазига қўлга киритилган даромад эса бировга юқ бўлмайди, тўғри йўлдан адашган бандани эл ичди шарманда-ю шармисор этади.

Охунжон ҲАСАНОВ,
Данғара тумани ИИБ ҳузуридаги тергов гуруҳи катта терговчиси, майор.
Дадахон ТОҲИРОВ.

Қирғиз-Ўзбек халқаро университетининг талабаси Умаров Максулдон Муроджонович номига берилган университетга кирганлик, курсдан курсга ўтганлик, талабалардан чиқаришнинг ҳақидаги ҳужжатлар ҳамда академик маълумотномалар йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ!

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида”ги, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда МЧЖ “Uz-Hanwoo Engineering” ҚК таъсисчиларининг 2023 йил 17 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг баёни билан тасдиқланган МЧЖ “Uz-Hanwoo Engineering” қўшма корхонаси ижроа органининг раҳбарлик лавозимларида танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низомига асосан танлов ўтказилади!

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳамда чет эл давлатлари фуқаролари тақлиф қилинади.

- Номзодларга қўйилган талаблар:
- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотли бўлиши;
 - мос соҳада камида беш йил иш стажига эга бўлиши;
 - ўттиз беш ёшдан – олтиш еттигача;
 - раҳбарлик лавозимида камида икки йил иш тажрибасига эга бўлиши;
 - қонунчилик, машинасозлик тизимидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро талабларни билиши лозим.

Номзод жамиятнинг жорий фаолиятини ўз ваколатлари доирасида бошқариш, унинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш, жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ва ходимларининг ишини ва самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган, аммо жамиятнинг бизнес-режа параметрларидан паст бўлмаган миқдорда фойда олишни таъминлаш, жамиятнинг бизнес-режалари ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилишни билиши ҳамда судланмаган бўлиши шарт.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш зарур:

- ўз қўли билан ёзилган ариза;
- таржимаи ҳол (батафил қўрсатилади);
- касбий маълумотни, иш стажини ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар;
- меҳнат дафтарчасини нусхаси;
- алоқа учун маълумотлар;
- фотосурат (3x4 ҳажмда – 4 та).

Танлов ҳужжатларини топиширининг охириги муддати – эълон берилган санадан бошлаб 20 кун.

Танлов ўтказиш муддати – танлов тақлифлари ва ҳужжатлари олингандан кейин 5 иш кунини давомида.

Танлов тақлифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 150100, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 245/1-уй. Маълумотлар учун алоқалар: телефон: +998 33 672 11 10, E-mail: info@uzhweng.uz

Белгиланган муддатдан кейин юборилган тақлифлар танловга қабул қилинмайди.

Tanlov e'lon qilnadi!

Jismoniy tarbiya va sport bo'yicha mutaxassislarni qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti Farg'ona filiali kafedralariga quyidagi bo'sh ish o'rinlariga tanlov e'lon qiladi:

- dotsent (basketbol mashg'ulotlar nazariyasi va uslubiyati modulidan);
- katta o'qituvchi (sportda ilg'or xorijiy tajribalar modulidan).
- Tanlovda ishtirok etish uchun:
- filial direktori nomiga ariza;
- pasport nusxasi;
- kadrlarni qayd qilish shaxsiy varaqasi;
- oliy ma'lumoti haqidagi diplom nusxasi.
- Eslatma: tanlovda ishtirok etish uchun arizalar e'lon chop etilgan kundan boshlab bir oy davomida qabul qilinadi.
- Manzil: Farg'ona shahar, Iste'dod ko'chasi, 3-„a“ uy. Telefon: 73 243-07-66. E-mail: Sporteduff.uz

